

Journal of Social Research in Uzbekistan**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>**INNOVATIVE METHODS OF TRAINING PERSONNEL IN THE FIELD OF ANIMATION IN THE SYSTEM OF ART EDUCATION****Nigora T. Haydarova***doctor of Philosophy of Art Sciences (PhD)**National Institute of Arts and Design named after Kamoliddin Behzod**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE****Key words:** animation, character, image, technology, style, artist, animator, art director.**Received:** 15.01.23**Accepted:** 17.01.23**Published:** 19.01.23**Abstract:** This article presents a number of innovative ways to provide modern Uzbek animation with mature footage and develop the industry. As a result of applying these methods in practice, experienced specialists in this field will appear in the new era of Uzbek animation, and animated films will be interpreted in an unusual way.**БАДИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АНИМАЦИЯ БЎЙИЧА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ****Нигора Т. Ҳайдарова***санъатишунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА****Калит сўзлар:** анимация, образ, тасвир, технология, услуб, рассом, мультипликатор, режиссёр.**Аннотация:** Мазкур мақолада замонавий ўзбек анимациясини етук кадрлар билан таъминлаш ва соҳани ривожлантиришга оид бир қатор инновацион усуллар келтирилган. Бу усулларни амалиётда қўллаш натижасида янги давр ўзбек анимациясида соҳа бўйича тажрибали мутахассислар етишиб чиқади ва анимацион фильмлар ноодатий кўринишда талқин этади.**ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В ОБЛАСТИ АНИМАЦИИ В СИСТЕМЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ****Нигора Т. Хайдарова***доктор философии в области искусств (PhD)**Национальный институт художеств и дизайна имени Камолитдина Бехзода*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: анимация, образ, изображение, технология, стиль, художник, мультипликатор, режиссёр.

Аннотация: В статье представлен ряд инновационных способов обеспечить современную узбекскую анимацию зрелыми кадрами и развить индустрию. В результате применения этих методов на практике в новую эру узбекской анимации появятся опытные специалисты в этой сфере, а анимационный фильмы будут интерпретироваться необычным образом.

КИРИШ

Бугунги кунда компьютер анимацияларига бой бўлган фильмлар яратишга интилиш тобора кучайиб, аниматорлар олдида жиддий талаблар ва мураккаб вазифалар қўймоқда. Асосийси, анимацион дастурларда ҳар қандай ҳаракат ва эффектлар яратиш имкони мавжуд. Ҳозирги давр анимация экрани учун тасвирлар, образлар, воқеа-ҳодисалар, турли ҳаракатларни яратишда махсус эффектлардан фойдаланилади. Тадқиқотчи М.Степанова фикрига кўра, анимация, оддий кинолардан фарқли ўлароқ, ҳар қандай ижодий ғояни амалга оширишда ҳеч қандай техник имкониятлар билан чекланмаган. Бадиий фильмларда компьютернинг махсус эффектлари уларнинг бошқа хислатларига зарар етказиши устунлик қилган бўлсада, бундай ҳодиса анимацияга деярли таъсир кўрсатмайди. У янги технологияларни эскиларига зарар етказмасдан ишлатади ва шу билан бирга кучли профессионал йўналишни ва анимацияни сақлаб қолади. 3D технологиясининг анимацияда пайдо бўлиши фақат визуал услубнинг ўзгаришига олиб келди (3,23).

АСОСИЙ ҚИСМ

Сўнгги ўн йилликда ўзбек анимациясида замонавий технологиялардан, хусусан, компьютер графикасида махсус эффектлардан фойдаланган ҳолда фильмлар яратила бошланди. Лекин замонавий дастурлар асосида “Cinema servis”, “Futurist”, “Pomidor Intertainment”, “Astir” анимацион студияларининг 2D ва 3D фильмлари ҳамда “Мультипликацион фильмлар студияси” ДУК томонидан яратилган илк тўлиқ метражли фильм яратилган бўлишига қарамай, бу фильмлар замон талабларига тўлиқ жавоб бера олади, деб бўлмайди.

Тадқиқотчи М.Степанова шундай ёзади: “Бадиий образни шакллантириш рассомнинг ижодий индивидуаллигига бевосита боғлиқдир. Бадиий тасвир ўзига хосдир, чунки унинг ажралмас қисми яратувчининг ўзига хослиги. Воқеаликка ҳиссий жиҳатдан ранг-баранг ёндашиш муаллифга шахсий муносабатини билдириш ва шу билан бадиий образларга инсоний туйғуларнинг барча бойликларини беришга имкон беради” (3,13). Тадқиқотчи

Г.Смолянов фикрича, “хар қандай персонаж учун фактларга бой индивидуал афсона ва биография ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ” (4,128).

Соҳа бўйича республикамізда тажрибали мутахассис кадрларнинг етишмаслиги бу соҳанинг тўла куч билан ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу маънода техник маҳорати яъни, компьютер графикаси кучли, махсус эффектларга бой асарлар ярата оладиган мутахассис кадрларга эҳтиёж бугунги куннинг энг долзарб муаммоси сифатида кўринмоқда. Мазкур санъат кўпгина ривожланган давлатлар, хусусан, Россия (Бутунроссия давлат Кинематография институти, Санкт-Петербург давлат университети, “Союзмультфильм”, “Melnitsa”, “Pilot”, “Cristmas Films”, “Animakord”, “Wizart” студиялари), Америка (JMS Academy (Bachelor of Creative Arts (3D Animation)), SAE Institute UK, Bath Spa University, “Pixar”, “Walt Disney”, “Sony Pictures”, “DreamWorks”, “Blue Sky”, “Warner Bros”. “Animation” студиялари.), Италия ((RUFA) Rome University of Fine Arts, (NABA) Nuova Accademia di Belle Arti Milano, Universita Cattolica del Sacro Coure, “Rainbow”, “BRB International” студиялари), Япония (Tokyo University of the Arts Animation, Kyoto Seika University: Animation Course, “Studio Ghibli” аниме услубидаги студия) ривожда мутлақо янгича ёндашувда намоён бўлмоқда.

Мамлакат бозорида талаб катта бўлган соҳалар бўйича кадрлар тайёрлашда республикаміз Олий таълим муассасаларида йилдан йилга янги йўналишлар ташкил этиб боришмоқда. Жумладан, анимация бўйича ташкил этилган. ЎзДСМИ “Санъатда мультимедиявий ва анимациявий лойиҳалаш” (2016) йўналиши ҳамда К.Бехзод номидаги МРДИ “Мультфильм ва компьютер анимация” (2017) йўналиши фикримизнинг ёрқин далили. Шу ўринда, давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрини келтириш ўринли. “Хаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни бажариш учун кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга доир бир қатор ишларни албатта амалга оширишимиз керак” (1,25). Шу жиҳатдан замон талаблари асосида кадрларни тайёрлашимиз учун таълимнинг мазмунан янги шаклига ўтиш даркор. Режиссёр И.Иванов-Вано ёзганидек, замонавий анимация узоқ вақтдан буён санъатнинг қизиқарли шакли бўлиб келмоқда. Бугунги кунда замонамизнинг энг жиддий муаммоларига қаратилиб, давримизнинг сиёсий, ижтимоий ва ахлоқий жиҳатларининг кенг доирасини қамраб олган (2,239).

XXI асрда ёш авлод дунёқарашига мос келадиган анимация воситаларини топиш, замонавий кўринишларда ўйинли тушунтиришлар орқали етказиб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг тажрибаларини замонавий талаблар асосида ошириш каби муаммоларни ҳам босқичма-босқич ҳал этиб бориш мақсадида, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг “Мультфильм ва компьютер анимация” йўналишида ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг “Санъатда

мультимедиавий ва анимациявий лойиҳалаш”, “Санъатшунослик (саҳна драматургияси ва экран санъати)”, “Киношунослик” ва “Актёрлик маҳорати” каби йўналишларида, шунингдек, Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг “Бастакорлик” йўналиши ҳамда хусусий студиялар ўртасида инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда ушбу соҳа ўртасида замонавий талабларга жавоб берадиган фильмларни яратишда мультфильмларнинг композиция жиҳатдан мукамал бўлиши, ўзига хос характерли персонажларнинг турли шакллари топилиши, рангларнинг такрорланмаслиги, мультсериалларни ишлаб чиқаришда мавзу ва жанрнинг ранг-баранглигига эришиш, томошабинга қадимий эртакларни замонавий услубда танитиш, қаҳрамонлар сўзлашувини майин оҳангдорликда гавдалантириш, мутахассисларнинг мультипликация назарияси ва амалиёти бўйича билим ва малакаларини оширишда қуйидаги усуллар орқали эришиш мумкин:

- яратиладиган фильм томошабин ёш хусусиятига кўра масалан, кичик (0-7) ёшгача, ўрта (8-11) ёшгача мўлжалланган мультфильмларнинг замонавий драматургияси устида ишлаш; Бунинг учун Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг “Санъатшунослик (саҳна драматургияси ва экран санъати)” йўналиши талабалари билан ёш томошабинларнинг маънавий эҳтиёжи, талаб истаклари, ўй-хаёллари, қизиқишларини иноватга олган ҳолда анимацион фильмлар учун сценарийлар яратиш;

- Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг “Мультфильм ва компьютер анимация” йўналиши талабалари билан анимацион фильмлар учун инсонлар хотирасида сақлаб қолинадиган, ёш авлодга миллий қадрият ва анъаналаримизни умуминсонийлик тамойиллари асосида, ўз дунёқараши ва хатти-ҳаракатлари орқали сингдира оладиган мукамал, замонавий “мультқаҳрамон”ларни яратиш;

- Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг “Санъатда мультимедиавий ва анимациявий лойиҳалаш” йўналиши талабалари учун анимацион конструкцияни чуқур тушунадиган режиссёрларнинг маҳорат дарсларини ташкил этиш;

- Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг “Бастакорлик” йўналиши талабаларини мультипликацион фильмларга мос миллий меросимиз асосида анъанавий ва замонавий муסיқалар яратишга йўналтириш;

- Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг “Актёрлик маҳорати” йўналиши талабаларини анимацион фильм персонажлари учун овоз бериш бўйича кўникмаларини шакллантириш;

- соҳанинг бўлажак (сценарист, режиссёр, аниматор, рассом-мультипликатор, композитор) мутахассисларини мамлакатимизда мавжуд мультипликацион студияларда

фильм ишлаб чиқариш жараёнида амалий тажрибаларини янада ошириш, шунингдек, амалиёт даврида хорижнинг етакчи студияларига жалб этиш;

- яратилаётган мультфильмларнинг бадиияти, томошавийлиги ва сифатини янада ошириш мақсадида кино танқидчилар иштирокида мунтазам равишда анимацион фильмлар тақдимоти ва муҳокамасини ўтказиш лозим.

Шунингдек, Олий таълим муассасаларида соҳа бўйича мутахассисларни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Яъни:

- хорижий давлатлар дастурига мувофиқ соҳа бўйича ташкил этилган йўналишларнинг ўқув режасида умумкасбий ва ихтисослик фанларини 70-80% га кўпайтириш ва асосий блокка ўтказилган ҳолда ўқув машғулотларини ташкил этиш;

- соҳа бўйича таълим олаётган кадрлар ишлаб чиқариш жараёнида замонавий усулларни ўзлаштирган ҳолда билимларга эга бўлиши учун уларни амалиёт даврида хорижий давлатларнинг етакчи олийгоҳлари ва студияларига жалб этиш; шунингдек, замонавий амалиёт анимациянинг янги шакллари намоён этади. Шу нуқтаи назарда, илгари ташкил этилган ва фаолият кўрсатадиган бадиий шакллар, моделлар ва анимация тизимлари билан кенг алоқада доимий ва синхрон белгилашларнинг моҳияти тобора кўпроқ аҳамият касб этади.

- тайёрланаётган кадрлар учун ўқув йили мобайнида хорижий давлатларнинг етак мутахассисларини жалб этган ҳолда маҳорат дарсларини ташкил этиш (Autodesk Maya ва 4Cinema каби замонавий дастурлари асосида);

- болалар учун яратилаётган фильм уларни қачон ўзига жалб қила олиши мумкин?. Қачонки, фильм сценарийси қизиқарли воқеаларга, динамика ва бетакрор қаҳрамонлар характери ва конфликтларга бой тасвирий тилга муносиб ёзилган бўлса. Шунингдек, сценарий ёзиш жараёнида фарзандларимизнинг маънавий эҳтиёжи, талаб истаклари, ўй-хаёллари, қизиқишлари ва ёш жиҳатларини (кичик, ўрта ва катта) инобатга олган ҳолда яратилиши;

- анимацион фильмлар учун инсонлар хотирасида сақлаб қолинадиган, ёш авлодга миллий қадрият ва анъаналаримизни умуминсонийлик тамойиллари асосида, ўз дунёқараши ва ҳатти-ҳаракатлари орқали сингдира оладиган мукамал, замонавий мультобразларни яратиш, болаларга қадимий эртакларни замонавий услубда танитиш;

- мультипликацион фильмларга мос миллий меросимиз асосида анъанавий ва замонавий мусикалар яратиш;

- яратиладиган фильм персонажлари учун овоз бериш бўйича кўникмаларни шакллантириш ва профессионал актёрларни жалб этиш;

- жаҳон миқёсида ўтказиладиган талабаларнинг “қисқаметражли фильм”лар танловларида талабалар ижодий асарлари билан иштирок этиб, ўзини синаб кўриш каби ишларни амалга ошириш лозим.

Шу билан бир қаторда келажакда кутилатган муаммоларни ҳам келтириб ўтиш жоиз. Буларни қуйидагича келтириш мумкин:

- мультипликация игна билан қудуқ қазишдек жуда мураккаб ва кўп вақт, куч сарф этадиган машаққатли жараён бўлгани сабаб республикада таълим олаётган ёки фаолият кўрсатаётган аниматорлар керакли даражада тажрибага эга бўлганидан сўнг чет элларда меҳнатга арзирли ҳақ тўланадиган лойиҳаларга тарқаб кетиши;
- давлат студиясида кадрлар танқислиги туфайли тўлиқ метражли анимацион фильмлар яратиш хусусий анимацион студиялар томонидан яратишга ўтилиши;
- фильм яратилар экан, ундаги ғоя, сюжетни томошабинга максимал даражада таъсирчан ва тушунарли етказиб бериш, режиссёр ва рассомнинг ўзига хос топилмалари, бой фантазия маҳсуллари амалга оширишда аниматорларнинг махсус эффектлардан фойдаланиши;
- мутлақо зарур бўлмаган кадрларда асосиз равишда махсус эффектлардан фойдаланиш ёки муайян эффектлар орқали гўзалликни экранга олиб чиқиш учун фантастик сюжет ўйлаб топиб, унинг асосида енгил-елпи фильмлар яратилиши мумкин. Бундай масалалар авж олиб кетмаслиги учун соҳа бўйича мутахассислардан ташкил топган Бадий Кенгаш тузилиб, улар томонидан жиддий назорат остига олиниши мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида келтириш жоизки, жамиятда ҳар бир соҳа ривожига мукамал кадр тайёрлаш тизими билан боғлиқ. Мазкур соҳа ривожига бўйича ўрнатилган институционал ҳамкорлик юзасидан юқорида келтирилган инновацион усуллар келажакда соҳа бўйича тажрибали етук сценарист, режиссёр, мультипликатор-рассомлар ҳамда махсус бастакорлар етишиб чиқишига таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида ўзбек мультипликацион фильмларининг сифат даражасини кўтаришга эришиш ҳамда соҳанинг етук мутахассислари томонидан мукамал яъни, ноанъанавий кўринишга эга, замонавий тилда сўзлашувчи шу билан бирга миллий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган, оригинал персонажлар асосида миллий ғоя сингдирилган, 3D усулида замонавий анимацион фильмлар яратилишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. “Ўзбекистон”. -Т.: 2016. - Б.25.
2. Иванов-Вано И.П. Кадр за кадром. «Искусство». -М.: 1980. - С. 239.
3. Степанова М.А. Компьютерные спецэффекты на материале голливудского кино последнего десятилетия XX века. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. – Москва: 2005. – С.23.

4. Смолянов Г.Г. Анатомия и создание образа персонажа в анимационном фильме. – Москва: Известия, 2005. – С.128.